

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали директори  
Ч.Р.Бегимкулов

“ 18 ” 2017 йил

**“ Иш жойидан маълумотнома олиш ” интерактив  
хизматининг регламенти**

**1. Хизмат таърифи**

1.1 Хизмат номланиши

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали расмий сайти орқали “Иш жойидан маълумотнома олиш” интерактив хизмати

1.2 Хизмат натижаси

Шахснинг Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида ишлаётганлиги ҳақида маълумотнома шакллантирилади

1.3 Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали томонидан кўрсатилади.

1.4 Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакиллантириш ва “Электрон ҳуқумат ” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашининг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2015 йил 17 декабрдаги 365- сонли қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамқорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори

1.5 Хизматдан фойдаланувчилар

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали профессор-ўқитувчилари ва ходимлари .

1.6 Ариза бериш муддатлари

Муддати чекланмаган.

## 1.7 Бажариш муддатлари

Фойдаланувчи томонидан сўровнинг жўнатилиши билан автоматик тарзда маълумотнома шакллантирилади.

## 2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.

### 2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- Хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш таркиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва таркиби ҳақидаги маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш учун таълаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- Хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- Хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот

### 2.2 Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий веб-сайти орқали.

### 2.3 Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

191200 Сурхондарё вилояти Термиз тумани Лимонзор қишлоғи “Янгиобод” маҳалласи Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали.

## 3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

### 3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: Душанба-Шанба соат 09<sup>00</sup> дан 18<sup>00</sup> гача

### 3.2 Кутиш шартлари

Кутиш шартлари белгиланмаган.

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1 Зарур бўлган ҳужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо).
- жисмоний шахснинг шахсий индентификацион рақамли (НИНФЛ)

### 4.2 Хизмат тўлови

Бепул

#### 4.3 Хизмат кўрсатиш босқичлари.

Университетнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтказилади ва тизимга киритилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Олий Иш жойидан маълумотнома олиш” хизмати танланади:
- Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади.
- Ходим ҳақидаги маълумотлар киритилади:
- Омавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб. “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

#### 4.4 Хизматни кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида ишлаётган ходимлар рўйхати ва улар ҳақидаги маълумотлар олдиндан Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг маълумотлар баъзасига киритилган бўлади ва фойдаланувчининг сўрови асосида ходимнинг ишлаётганлигини тасдиқловчи маълумотноманинг электрон нусхаси автоматик равишда шакллантирилади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар дипломлар базасидан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш лавозими, телефон рақами) томонидан жўнатилади. Масъул ходим қайта таҳлил қилгандан кейин, талаба сўралган маълумотлар университетда мавжуд бўлса, 3(уч) кун ичида базага киритилади, акс холда сўралган маълумотлар топилмаганлиги ҳақида хабар жўнатади.

#### 4.5. Рад этиш сабаблари

Ходим ҳақидаги маълумот нотўғри киритилганлиги.

#### 5. Хизмат кўрсатиш сифати.

5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби.

Рад этиш холларида фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиши мумкин.

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Ходимлар бўлими  
инспектори

Ў.Рашидова

“ 26 ” Ноябрь 2017 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Ахборот  
технологиялари маркази бошлиғи

Н.Бойсунов

“ 26 ” Ноябрь 2017 йил